

ФАРФОНА ВИЛОЯТИ ФУТБОЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУРКИЯНИНГ БЕШІКТАШ КЛУБИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИНАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарфона вилояти делегацияси вакиллари Истанбулда Beşiktaş JK клуби стадионида бўлиб, клуб бошқарув кенгаши аъзолари билан учрашдилар.

Beşiktaş клуби раҳбарларидан Кадир Килич билан ўтказилган мулоқотда Фарфона вилоятида спортнинг жамоавий турлари, хусусан, футболни ривожлантиришда, ёш истеъододли футболчиларни аниқлаш ва тайёрлашда Beşiktaş JK клуби билан кенг ҳамкорлик қилиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Вилоятимиз вакиллари шунингдек, Beşiktaş клуби тарихи музейи ҳамда Tüpraş ўйингоҳи билан ҳам танишдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-08 13:05:36